




РОССИЙСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ
ДРУЖБЫ
НАРОДОВ



zenodo

**МЕЖДУНАРОДНАЯ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ
КОНФЕРЕНЦИЯ**

**«ИННОВАЦИОННЫЕ
ПОДХОДЫ В
СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ»**



Yahyokhonov Niyozkhuja Bahroil ugli <i>DEVELOPMENT OF DIGITAL MARKETING THE FORMATION OF THEORETICAL AND METHODOLOGICAL BASIS THROUGH THE DISCIPLINE CONCEPT</i>	202
Yuldosheva Mamura Bakhtiyorovna <i>THE ROLE OF A FOREIGN LANGUAGE IN THE TEACHING OF RAILWAY SPECIALISTS</i>	205
Базарова Нигина Собиржоновна, Ахмедова Гулчехра Абдуллаева <i>СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ ПОЛИМОРФНЫХ ВАРИАНТОВ МАТРИКСНЫХ МЕТАЛЛОПРОТЕИНАЗ И ЦИСТАТИНА С ПРИ ХРОНИЧЕСКОМ НЕФРИТИЧЕСКОМ СИНДРОМЕ У ДЕТЕЙ</i>	208
Бахриддинова Насиба Мурадовна <i>ОСНОВНЫЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ЭНЕРГЕТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ</i>	211
Камилов Жасурбек Дилшодович, Аскарлов Осим Олимжонович <i>САЧРАТҚИ ЎСИМЛИГИНИНГ ДАМЛАМАСИ ВА УНИНГ ҚУРУҚ ЭСТРАКТИНИ МАҲАЛЛИЙ ҚИТИҚЛАШ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШИ</i>	214
Каршиев Шоймардон Эламонович <i>ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ</i>	216
Mahmudova Lola Asat kizi <i>LEGAL REGULATION OF MEDIATION IN FOREIGN COUNTRIES: (USA, UK, AUSTRALIA)</i>	222
Тургунова Ойгул Валижон кизи, Мансурова Гулчехра Алиджоновна <i>ФИЗИЧЕСКИЕ ЯВЛЕНИЯ В ПОЛУПРОВОДНИКАХ</i>	225
Ташпулатов Музаффар Файзуллаевич <i>А. ФИТРАТ, МУЛЛА Б. РАҲМОН ЎҒЛИ, М. ДЕВОНЗОДАЛАРНИНГ ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ ВА XX АСР ЎЗБЕК МУСИҚИЙ ТАФАККУРИ ЖАРАЁНЛАРИ</i>	228
Тўрамуродов Улуғбек <i>ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДУАЛ ТАЪЛИМИ ВА ЁШЛАР ЭЪТИБОР</i>	231
Холмуродов Бунёд Бекмурот ўғли <i>ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ</i>	234
Юлдашев Шарафиддин Шамсиддинович, Бойтемиров Муҳаммадбобур Бойжўра ўғли,— Ҳакимов Содикжон Пасулжон ўғли <i>ТУНЕЛЛАРНИНГ ҚАЗИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ ВА УЛАРНИ КАМЧИЛИКЛАРИ</i>	238

САЧРАТҚИ ЎСИМЛИГИНИНГ ДАМЛАМАСИ ВА УНИНГ ҚУРУҚ ЭСТРАКТИНИ МАҲАЛЛИЙ ҚИТИҚЛАШ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6560184>

Камилов Жасурбек Дилшодович

Тошкент Тиббиёт Академияси

1-сон даволаш факультети талабаси

Асқаров Осим Олимжонович

Илмий раҳбар: Тошкент Тиббиёт Академияси

“Фармокология ва клиник фармокология” кафедраси ўқитувчиси

Мавзунининг долзарблиги. Бугунги кун табобати касалликларни даволашда имкон қадар табиий манбалардан фойдаланиш, доривор ўсимликларнинг шифобахш-хусусиятларини кенгроқ ўрганиш ва улардан тиббиёт амалиётида тўла қонли даражада фойдаланишни тавсия этмоқда.

Мавзунинг мақсади. Биз Ибн Сино қўллаган ўсимликлар ва улар асосида тайёрланган йиғмалар ва улардан олинадиган доривор воситаларни (қайнатма, дамлама, қуруқ экстрактларни) -илмий асосда замонавий фармакологик усулларда қайта кўриб чиқишни ва ўзи тасдиғини топган йиғма ва улардан олинадиган доривор воситаларни тиббиёт амалиётига тадбик этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Сачратқи (*Cichorium intubus* L.) ўсимлиги халқ табобатида ОИС-си касаллигида, иситмалашда, яллиғланишда ва тери касалликларида ишлатилиб келинган. Сачратқи илдизида цикорин гликозиди, ошловчи моддалар, инулин сақлайди. Адабиётларда келтирилган маълумотларга қараганда инулин қондаги қанд миқдорини тушириш хусусиятига эга.

Фармакологик дори ва дори воситаларнинг турларини кўпайиб кетганлиги, уларни турли хил ножўя таъсирларини юзага чиқармоқда. Дори ва дори воситаларини безарарлигини, уларни узок муддат давомида қўллаш натижасида юзага чиқувчи асоратларини аниқлаш ҳозирги кунда фармакологларнинг асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам сачратқи ўсимлиги дамламаси ва унинг қуруқ экстрактини маҳаллий қитиқлаш таъсирини ўргандик.

Тажриба усуллари. Тажрибалар массаси 160-180 г. ли 10 та лаборатория каламушларида ва массаси 280-300 г. ли 10 та денгиз чўчкаларида олиб борилди. Ўрганилаётган сачратқи препаратларининг 1-5% ли эритмалари олдиндан туклари олинган тажриба ҳайвонларининг терисига таъсир эттирилди. Ҳайвонлар модда алмашинувини ўрганишга мосланган клеткаларда 2-6 соат давомида ушлаб турилди ва назорат қилиб борилди.

Кузатув давомида тажриба ва назорат гуруҳ хайвонлари терисидаги яллиғланиш майдони бир-биридан фарқ қилмади.

Кейинги тажрибада 6 та лаборатория қуёнларининг ўнг кўзига сачратқи дамламасидан ва 1-5% курук экстрактининг эритмасидан 1-3 томчидан томизилди ва кўз шиллиқ қаватига препаратнинг маҳаллий таъсири кўриб чиқилди. Қуёнларнинг чап кўзига мос равишда дистилланган сув томизилди. Олиб борилган кузатувлар давомида сачратқи дамламаси ва унинг курук экстракти томизилган кўз шиллиқ қаватида яллиғланиш реакциялари қайд этилмади.

Хулоса. Демак, сачратқи ўсимлигининг препаратлари маҳаллий китиклаш таъсиридан ҳоли экан.